

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШЧАНОВА ГЎЗАЛ ЭРКИНОВНА**

**ТАЛАБАЛАРДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР БЎЙИЧА ЛИНГВИСТИК  
КОМПЕТЕНТЛИКНИ АХБОРОТ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(техника йўналишлари мисолида)**

**13.00.02 – Таълим - тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Эшчанова Гўзал Эркиновна**

Талабаларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентликни  
ахборот-методик таъминот асосида такомиллаштириш  
(техника йўналишлари мисолида)..... 3

**Эшчанова Гузал Эркиновна**

Совершенствование лингвистической компетенции студентов по  
иностранным языкам на основе информационно-методического  
обеспечения (на примере технических направлений)..... 23

**Eshchanova Guzal Erkinovna**

Improving the linguistic competence of students on foreign languages based  
on information and methodological provision (on the example of technical  
areas)..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШЧАНОВА ГЎЗАЛ ЭРКИНОВНА**

**ТАЛАБАЛАРДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР БЎЙИЧА ЛИНГВИСТИК  
КОМПЕТЕНТЛИКНИ АХБОРОТ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(техника йўналишлари мисолида)**

**13.00.02 – Таълим - тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2023**



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бўлажак мутахассисларнинг ўз она тилини мукамал билиш билан бир қаторда, бир нечта хорижий тилларни билиши ва мулоқот қила олиш компетенцияларига эга бўлишига талаб ортиб бораётган бир даврда хорижий тилларни ўргатишда самарали технология ва услубларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Шу сабабли, ривожланган мамлакатлар олий таълим тизимида, жумладан АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Франция давлатларида бўлажак мутахассиснинг бир нечта тилларни ўзлаштиришига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда дунё меҳнат бозорида хорижий тилларни биладиган муҳандис кадрларга бўлган эҳтиёж ва талабнинг ортиб бораётганлигини ҳисобга олсақ, техника йўналишидаги бўлажак муҳандисларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентликни ошириш амалиётга маълумотли базалар ва кенг профилли услубиятга асосланган таълим методларини кенг жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, бўлажак муҳандис-техник кадрларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентликни ахборот-методик таъминот асосида ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ҳалқаро педагогик тажрибалар айнан техника йўналишидаги мутахассис-кадрларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентликни шакллантиришга эҳтиёж катта эканлигини кўрсатаётган бир даврда таълим жараёнини самарали ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан хорижий тил машғулотларини самарали педагогик технологиялар ва ёндашувлар орқали бойитиш билан бирга, хорижий тилни ўзлаштириш ва билиш даражасини бир хиллаштириш ва сифатини ошириш имконини берадиган ўқитиш усулларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан техника йўналишида таълим олаётган талабаларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентликни ахборот-методик таъминот асосида ошириш долзарб ҳисобланади.

Республикамиз таълим тизимида кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозоридаги талабдан келиб чиқиб бўлажак муҳандисларнинг ўз касбий компетенциялари билан бирга уларда хорижий тилларни билиш даражасини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг янги тараққиёт стратегиясида, жумладан «олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш билан бирга ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жумладан, техника йўналишидаги кадрларни тайёрлашда уларнинг ўз соҳаси билан бирга хорижий тилларни билиш даражасини ҳам ошириш имконини берадиган ўқитиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

усулларини ишлаб чиқиш ва ахборот-методик таъминотини яхшилаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон<sup>1</sup> “2022-2026 йилларга мўлжаллаган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сон фармони ва мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, касбий иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шахсда компетенциялар, компетентлиликни ривожлантириш муаммолари республика олимлари Б.Р.Адилов, Ю.М.Асадов, Г.Т.Боймуродова, Б.Б.Маъмуров, М.Ҳ.Маҳмудов, О.Розиқов, Р.Г.Сафарова, С.Т.Турғунов, Б.Х.Ходжаев, Ф.Р.Юзликаев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Талабаларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва касбга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Джураев<sup>2</sup>, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабаев, Қ.Т.Олимов, Ш.С.Шарипов, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўрақулов, Д.О.Химматалиев, О.А.Қўйсинов<sup>3</sup>, Ҳ.Ш.Қодиров, Р.К.Чориев, З.Т.Рахимов, Б.Б.Эргашев, З.Ш.Тўхтаева ва бошқа олимларнинг ишларида батафсил ёритилган.

Хорижий тилларини ўқитишнинг педагогик хусусиятлари, ахборот-коммуникацион технологиялар асосида хорижий тилни ўқитиш муаммолари Ж.Ж.Жалолов, Ф.М.Рашидова, К.Дж.Рискулова, Я.Т.Умарова, А.Р.Гайфутдинова, С.С.Авганов, ўқитувчилар ижодийлиги, хорижий тилни ўқитиш асослари Е.В.Ермолаева, С.Н.Алиев, хорижий тил воситасида талабаларда маънавий кадрларни шакллантириш, тил маданияти

---

<sup>2</sup> Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования. Автореф. Дисс. док. пед. наук. – Т.: 1995. – С. 43.

<sup>3</sup> Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Пед.фан.номзод.дисс. автореф. Т.:2019. -15 б.

М.В.Топоркова, Н.Н.Мукимоваларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.<sup>4</sup>

Олий таълим муассасаларида хорижий тилни ўқитиш орқали талабаларнинг хорижий тилларни билиш компетентлигини ривожлантириш бўйича хорижий олимлардан Richard Jacques S, Wild S, Vanica A, Schulze Geling L, Sandefour J.T, A.L. Robert A.R, Balan S ва бошқалар илмий-тадқиқотлар олиб боришган.<sup>5</sup>

Бу тадқиқотларда хорижий тилдан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган бўлсада, лекин техника йўналишидаги талабаларнинг хорижий тилларни ўрганиш бўйича лингвистик компетентлигини ривожлантиришнинг услубий-дидактик таъминотини ривожлантиришга, хорижий тилларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришга эътибор қаратилмаган, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Бу эса мазкур таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш, уларда лингвистик компетенцияларни шакллантириш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ўқитиш воситалари, шакллари, методлари ва педагогик шарт-шароитлар мажмуасини замонавий ёндашувлар асосида ўрганиш ва такомиллаштириш имкониятларини тадқиқ қилишни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг давлат дастурлари ёки илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича Британия Кенгашининг (2015-2019) EnSPIRE-U- “English for Specific Purposes Integrated Reforms in Uzbekistan” (Инглиз тили Махсус Мақсадларда, Ўзбекистонда Интераллашган Реформалар, 87-04-1622) ва (2019-2022 йй.) “English as a Medium of Instruction” (Махсус инструкциялар орқали Инглиз тили) халқаро лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** техника йўналишидаги талабаларда хорижий тилларни ўқитишда лингвистик компетенцияларни ахборот-методик таъминот асосида такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

техника йўналишидаги талабаларда хорижий тилларни ўқитишда лингвистик компетенциясини ривожлантириш босқичларини аниқлаштириш, уларнинг дидактик имкониятларини ўрганиш;

ахборот-методик таъминотни ривожлантириш асосида талабаларда хорижий тилларни ўқитишда лингвистик компетенцияларни ривожлантиришни моделлаштириш;

---

<sup>4</sup> Н.Н.Мукимова. Университетларнинг лингвистик бўлмаган факултетлари талабаларининг тил маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шартлари: Тожикистон Республикаси гуманитар университетлари материаллари асосида. Пед. Фан. Номз. Дисс.автореф. 2020 й.

<sup>5</sup>Ричард Жак С Переосмысление сюрреалистической эстетики в творчестве. Автореф.дисс.канд.филолог..наук. М.2007 г.

замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб талабаларда хорижий тилларни ўқитишда лингвистик компетенцияларни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

талабаларда хорижий тиллар бўйича ахборот-методик-таъминот асосида лингвистик компетентликни ривожланганлик даражаларини аниқлаш, педагогик тажриба-синов ишларини қайта ишлаш, мутахассисликка йўналтириб баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** техника йўналишидаги талабаларда инглиз тилини ўқитиш бўйича лингвистик компетентликни ривожлантиришнинг жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** ахборот-методик таъминотни такомиллаштириш орқали техника йўналишидаги талабаларда хорижий тилларни ўқитиш бўйича лингвистик компетентликни ривожлантиришнинг мазмуни, шакли, методи ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун илмий-назарий, педагогик-психологик, мантиқий, илмий-методик манбаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, моделлаштириш (лойиҳалаш), социометрик (анкета, тест, сўровлар, суҳбат); бевосита ва билвосита педагогик кузатув; педагогик тажриба-синов; натижаларни математик статистик қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

техника олий таълим муассаларида талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш ва лингвистик компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ахборот-дидактик таъминоти компетенция талабларини (ўқиш, ёзиш, тинглаш, сўзлаш) хорижий тилларни ўқитиш мазмунига босқичма-босқич сингдириш асосида мазмунан такомиллаштирилган;

инглиз тилини ўзлаштириш орқали лингвистик компетентликни ривожлантириш модели ҳамда таълим олиш учун шаклландирган компетенциялар, таълим беришнинг мотивацион базаси, уни яратиш ва рағбатлантириш усуллари талабаларда лексик кўникма ва қобилиятлар тизимини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаш асосида ривожлантирилган;

хорижий тилларни мутахассисликка йўналтириб ўқитишда когнитив жараёнларнинг роли, нутқ фаолиятининг ҳар хил турларининг ўзаро боғлиқлиги, лингвистиканинг тузилиши ва фаолиятининг когнитив тамойилларини қўллаш орқали мантиқий фикрлашга ундовчи машқ ва топшириқлар тўплами ҳамда мустақил таълимни ташкил этиш усуллари ишлаб чиқилган;

талабаларнинг лингвистик компетентлигини баҳолаш талаблари ҳамда параметрлари техника олий таълим муассасаларида инглиз тилини мутахассисликка оид билиш даражасини баҳолаш мезонларини киритиш асосида такомиллаштирилган.



### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

техника олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш методикаси, интерфаол методлар асосида машғулот ишланмалари, лингвистик компетенцияни ривожлантириш босқичлари ва баҳолаш параметрлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон миллий стандартлари ва Чет тилини билиш даражасини баҳолашнинг Умум Европа тизими халқаро стандартларига мослаштирилган (CEFR 2001/2016/2018) ва Олий Таълим Муассасалари учун “Инглиз тили Махсус Мақсадларда” (ESP curriculum for Higher Education in Uzbekistan) наъмунавий ўқув дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

5430100- Қишлоқ хўжалигини механизациялаш таълим йўналиши ўқув режасидаги “Инглиз тили” ўқув фани бўйича модуллилик тамойилидаги халқаро (ESP curriculum for Higher Education in Uzbekistan) Олий таълим учун яратилган наъмунавий ўқув дастури асосидаги «English for Specific Purposes: Agricultural Mechanization» (Инглиз тили Махсус Мақсадларда: қишлоқ хўжалигини механизациялаш) ишчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилинган;

талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришга йўналтирилган ва “English: Agricultural Mechanization and Engineering” ва “English: Economics on Water Resources” номли дарсликлар, “English for Agricultural Mechanization” номли ўқув қўлланма ҳамда “Инглиз тили” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

“Хорижий тил” фанидан электрон дарслик учун 16.12.2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг № DGU 20508-сонли муаллифлик гувоҳномаси олинган;

талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришга қаратилган Macromedia Flash дастурлари асосида яратилган “Инглиз тили” фани бўйича мультимедиали электрон қўлланма ишлаб чиқилган ва амалда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги ва уларнинг математик-статистик таҳлили, таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, талабаларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетенциясини ривожлантиришга оид янги назарий ёндашув, ғоя, тавсиялар билан бойитилган, мавжуд таълим тизими, хусусан олий таълим муассасасида хорижий тилларни ўқитиш бўйича ахборот-методик таъминоти замонавий қарашлар билан такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, мавжуд методик таъминотни замонавий ёндашувлар ва ўзгаришлар жараёнига мақсадли йўналтириш ва унинг самарадорлик даражасини оширишга эришилган. Шунингдек, билдирилган тавсия ва таклифлардан талабаларда хорижий тиллар

бўйича лингвистик компетенциялар мазмунини ҳамда хорижий тилларни ўқитишнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш, инглиз тилини ўқитиш бўйича ўқув дастурлари, қўлланма ва ўқув материаллари мазмунини бойитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талабаларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

техника олий таълим муассаларида талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш ва лингвистик компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ахборот-дидактик таъминоти компетенция талабларини (ўқиш, ёзиш, тинглаш, сўзлаш) хорижий тилларни ўқитиш мазмунига босқичма-босқич сингдиришга оид таклифлардан 5430100- Қишлоқ хўжалигини механизациялаш бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандартларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 02/01-01-81-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тили бакалавриат йўналиши ўқув дастурлари такомиллаштириш, дарсликлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилган, таълим мазмуни ва ўқитиш технологияларини танлаш самарадорлигини оширишга эришилган;

инглиз тилини ўзлаштириш орқали лингвистик компетентликни ривожлантириш модели ҳамда таълим олиш учун шаклландиган компетенциялар, таълим беришнинг мотивацион базаси, уни яратиш ва рағбатлантириш усуллари талабаларда лексик кўникма ва қобилиятлар тизимини шакллантиришнинг психологик хусусиятларини аниқлашга доир амалий таклиф ва тавсияларидан Британия Кенгашининг (EnSPIRE-U- “English for Specific Purposes Integrated Reforms in Uzbekistan”) (Инглиз тили Махсус Мақсадларда, Ўзбекистонда Интераллашган Реформалар, 2015-2019 йй., 87-04-1622) ва (“English as a Medium of Instruction”)-Инглиз тилини махсус инструкциялар орқали ўқитиш методикаси, 2019-2022йй., 87-03-3816) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 02/01-01-81-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентликни ривожлантириш имконияти яратилган;

хорижий тилларни мутахассисликка йўналтириб ўқитишда мантиқий фикрлашга ундовчи машқ ва топшириқлар тўплами ҳамда мустақил таълимни ташкил этиш усуллари (жумладан, дарс ишланмалари, кўргазмали воситалар, дидактик материаллар) “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Жиззах политехника институти ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтларининг таълим жараёнига татбиқ этилган ва тажриба-синовдан ўтказилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 02/01-01-81-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда лингвистик компетентлигини шакллантириш, тилни ўзлаштириш малакалари бўйича турғун кўникма ва тасаввурларни кенгайтириш имконияти оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий-услубий ишлар, шулардан, яқка муаллифликда 2 та дарслик ва 1 та ўқув қўлланма чоп этилган, 1та электрон дарслик, 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, матн 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги асосланиб, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар ва тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларнинг хорижий тилларни ўрганишининг ижтимоий-педагогик зарурати, амалий ҳолати, компетентлик, лингвистик компетентлик каби атамаларга таъриф келтирилган ҳамда талабаларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентликни ривожлантиришнинг йўллари ёритилган. Шунингдек, олий таълимда хорижий тилларни ўрганишдаги ахборот-методик таъминотни такомиллаштириш ҳамда талабалар компетентлигини оширишнинг ижтимоий-педагогик зарурат сифатидаги аҳамияти атрофлича асослаб берилган.

Талабаларда таълим олиш учун шаклланадиган компетенциялар, таълим беришнинг мотивацион базаси, уни яратиш ва рағбатлантириш шартлари ва усуллари таҳлил қилинган; талабаларда хорижий тил луғатини ўзлаштиришда когнитив жараёнларнинг роли; нутқ фаолиятининг ҳар хил турларининг ўзаро боғлиқ лексик кўникма ва қобилиятлари тизимини шакллантиришнинг психологик хусусиятлари; лингвистик компетенцияни шакллантириш ва уни тақдим этиш усуллари, лингвистиканинг тузилиши ва фаолиятининг когнитив тамойиллари ҳақида маълумотлар келтирилган.


Талабаларнинг хорижий тилларни ўрганиш натижаси лингвистик компетенцияни шакллантириш муҳим жиҳат саналади. Лингвистик компетенцияга лингвистик билимлар, грамматик ва фонетик кўникмалар, лингвистик билимларнинг лексик, грамматик, семантик, фонологик, орфографик компонентлар каби жиҳатлар тушунилади.

Мураккаб таркибий таълимни ифодаловчи лингвистик компетенция куйидаги компонентларнинг ўзаро таъсири билан тавсифланади: 1) лингвистик билимлар; 2) лингвистик кўникмалар; 3) талабанинг тил ва нутқ тажрибаси; 4) талабанинг шахсий фазилатлари.

Лингвистик компетенциянинг ривожланиш даражаси куйидагилар билан белгиланади: 1) мотивацион (таълим мотивацияси) ва 2) когнитив (когнитив жараёнлар) таълимнинг таркибий қисмлари.

Талабаларнинг лингвистик компетентлигини ривожланиш даражаси Мотивацион ўқув базасини яратиш шахсий-психологик, мазмунли, процессуал компонентлар орқали амалга оширилади. Ўрганувчиларнинг ҳорижий тилларни ўқитишнинг мотивацион ўқув базасини ривожлантиришга билвосита таъсир кўрсатиши, зарур эҳтиёжлар, мотивларни шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар ва ўқув муҳитини яратиш, тегишли тил ва нутқ материалларини танлаш, махсус ўқитиш воситалари, иш шаклларидадан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар ва асосларни ҳорижий тилни ўрганиш техникалари, стратегиялар ва машқлар ёрдамида шакллантириши мумкин, ўқитишнинг мотивацион базасини ривожлантиришга таъсир қилиши мумкин бўлган барча рағбатлантириш ва омилларни учта асосий таркибий (қисм) компонентга бўлиб ўрганиш мумкин (1-расм).

Фикрлаш лексик материални фаол тушуниш ва қайта ишлаш, уни талабаларнинг ички лексикасида ўзгартириш ва сақлаш учун жавобгардир. Идрок жараёнининг натижаси чет тилидаги сўзнинг тўғри ва тўлиқ қиёфасини яратишдир. Диққат сўзнинг тасвирини аниқ, аниқ ва чуқур қилиш имконини беради.



1-расм. Лингвистик компетентликни ривожлантиришда мотивацион базани шакллантириш компонентлари

Талабаларнинг лингвистик компетентлигини ривожланиш даражаси яратилган ўқув база ёрдамида тилни ўзлаштиришни минглаб усуллари орқали йўлга қўйиш мумкин. Бир томондан ўрганувчиларнинг лингвистик компетентлигини, яъни уларнинг тил қоидаларини тушуниш қобилияти даражаларини баҳолаш имконини берса, иккинчи томондан ўрганувчилар фаолиятининг тилдан фойдаланиш жиҳатлари ҳам инобатга олинади.

Талабаларнинг тилни эгаллаш жараёнлари асосида лексик билим, кўникмалар (ўқиш, ёзиш, тинглаш ва сўзлаш) ва малакаларни шакллантириш орқали амалга оширилди.

Тадқиқот ишида асосий эътибор процессуал компонентга, яъни сўз бойлигини ўргатиш воситаларига, иш техникаси ва стратегиясига, лексик йўналтирилган машқлар тизимига қаратилди. Фикрлаш, идрок, диққат, хотира, тасаввур каби жараёнларни ўз ичига олган билим соҳасининг ривожланишини ҳисобга олмасдан талабаларнинг лексик компетенциясини ва лингвистик ривожланишини шакллантириш мумкин эмас.

Таълим мотивацияси ҳар бир вақт оралиғидаги ўқув ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Унинг ривожланиш даражаси талабанинг идрок этишга тайёрлигини, тилнинг ўрганилаётган томонига диққатни жамланганлиги, ақлий фаолиятни рағбатлантиради, натижада лингвистик компетенцияни ривожлантириш жараёнининг якуний ижобий натижасини белгилайди.

Таълим мотивацияси деганда талабаларнинг ўқув мақсадларини танлаш ва мақсад воситасида маълум натижага эришишга қаратилган ўқув жараёнида (шахсий қарор асосида) фаол, мақсадли иштирок этиш тушунилади.

Ҳорижий тилни ўрганишдаги таълим мотивацияси уч даражада намоён бўлади: а) глобал (ўқув дастурига мувофиқ зарурий минимумни ўрганиш); б) дарс даражасида (дарснинг лексик минимумини ўзлаштириш); в) ўқув дастури бўйича даражаси вазият, вазифалар (машқлар).

Тадқиқот ишлар натижасида талабаларнинг хорижий тилларни ўрганишда лингвистик компетенцияларини С.Т.Григорян<sup>6</sup>, П.В.Гуревич<sup>7</sup>, В.В. Рижов<sup>8</sup> хорижий тилнинг лексик материални ўқитиш жараёнига хос бўлган турли хил ўқув мотивациясини аниқлаганлар. Улар бир-бири билан ўзаро алоқада бўлиб, хорижий тилдаги сўз бойлигини ўргатиш учун мотивацион базани ташкил қилади.

Мотивацион базанинг асосий таркибий қисмлари қуйидаги турлари ҳисобланади: а) коммуникатив; б) когнитив; в) инструментал; г) лингвистик; е) касбий мотивация.

Мотивацион ўқув базани ривожлантириш ва рағбатлантириш қуйидаги натижаларга эришишга имкон беради: 1) хорижий тил луғатини ўрганишнинг мақсадга мувофиқлиги; 2) ўқув жараёнининг тўлиқлиги (шахсий лингвистик бирликларни ўзлаштириш ва хорижий тилни билиш жараёнига қизиқиш); 3) ўқув жараёнини интеллектуаллаштириш; 4) талабаларнинг мустақил фаолияти; 5) қатъиятлилиқ ва виждонлилиқ; 6) қизиқувчанлик; 7) лингвистик бирликлар устида ишлашнинг энг самарали стратегиясини ўзлаштириш.

<sup>6</sup>С.Т.Григорян Особенности мотивации учебной деятельности студентов вузов с дистанционной образовательной технологией: на примере изучения иностранного языка. Автореф.дисс.канд.пед.наук. М. 2006 г.

<sup>7</sup>П.В.Гуревич. Искусство написания философского текста. Автореф.дисс.док. психоло.наук. М. 2003 г.

<sup>8</sup>В.В.Рижов. Взаимосвязь общения и свойств личности студентов в процессе профессионально-педагогической подготовки» Автореф.дисс.док. психоло.наук. М. 2001 г.

Хорижий тилнинг сўз бойлигини ўзлаштиришда талабаларнинг билим жараёнларининг фаол ишлаши материалнинг мазмунли ва самарали ўзлаштирилишини таъминлайди ва шу билан барқарор, мослашувчан лингвистик кўникма ва қобилиятлар тизимини шакллантиришнинг муваффақиятли шартидир.

Ўзаро муносабатларда турли хил нутқ фаолиятининг лингвистик кўникмалари ва қобилиятларини шакллантириш уларнинг барқарорлиги, мослашувчанлиги, кўчувчанлиги ҳамда оғзаки ва ёзма нутқга қўшилишга тезкор тайёрлигини таъминлайди, бу эса ҳорижий тилда муваффақиятли мулоқот қилишда коммуникатив кўникмаларни янада ривожлантириш имконини беради.

Лингвистик бирликларнинг шакли, маъно хусусиятлари, ишлатилиши, фойдаланиш қоидалари ҳақидаги барча маълумотлар ички лексиконда сақланади, унда лексик бирликларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ақлий образлари (тасавурлари) мавжуд. Ички лексика-бу инсоннинг лексик билимлари ва билим тажрибасининг мажмуи ҳисобланади. Ички лексика бирликлари орасидаги муносабатларни қуйидагича таснифлаш мумкин: а) сўзлар орасидаги муносабатлар (лексик муносабатлар); б) тушунчалар орасидаги муносабат (концептуал); в) тушунчалар ва сўзлар орасидаги муносабат (экстралингвистик ахборотни оғзаки баён қилиш усули).

Бу лексика сўзлари қуйидаги семантик моделлар бўйича ўзаро боғланади, деб ҳисобланади: 1) кластерли; 2) гуруҳли; 3) қиёсий семантик хусусиятлар модели; 4) тармоқ модели.

Талабаларнинг ақлий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда луғат билан ишлашда қуйидаги принциплардан келиб чиқиш тавсия этилади:

- янги лексик бирликларининг ривожланиши шахс онгида аллақачон шакланган семантик тузилмалар асосида амалга оширилиши ва мавжуд когнитив базани ҳисобга олиш;

- янги лексик бирликларнинг маъноларини изоҳлаш ва англаш янги лексик боғланишларни шакллантириш ва қайта қуриш, мавжудларини тўлдириш билан бир вақтда амалга ошиши керак.

Инглиз тилини ўрганишда лингвистик компетентлигини ривожлантиришда график органайзерлардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди, ҳорижий тилни ўрганишда, луғат устида ишлашда концептуал ва лексико-семантик маълумотларни, лексик бирликлар ва ғояларни акс эттиришнинг визуал усуллари билан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. График органайзерлар концепция ёки лексик бирлик ҳақидаги маълумотларни визуал равишда тақдим этишга, лингвистик ва экстралингвистик маълумотларга эътибор қаратишга, асосий ғояни таъкидлашда қулайликларга эришишга имкон беради.

Лингвистик компетентликни ривожлантиришда график органайзерлардан фойдаланиш лексик ва лингвистик бирликлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва уларни ўзаро боғлаш, ёдланган лексик маълумотларни бирлаштириш ва визуализация қилишга ёрдам беради, натижада талабаларнинг ҳорижий тилларни ўрганишларида катта ижобий таъсир кўрсатади.

График органайзерлардан фойдаланиш янгиликларни тез ўзлаштириш самарадорлигини оширишга ва кейинчалик хорижий лексик бирликлардан фойдаланишга имкон беради. Бу эса бир вақтнинг ўзида янги лексик билимларни тушуниш, ёдлаш ва хулоса чиқаришда катта аҳамиятга эгадир.

Техника олий таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш орқали талабаларни лингвистик компетенцияларини ривожлантириш методикаларини такомиллаштиришда касбий фаолиятда самарадорликни ошириш бўйича талабаларда касбга йўналтирилган мақсадли инглиз тили турли йўналишлар ( English for Agriculture, English for Management, English for Engineering), масалан, Қишлоқ хўжалиги учун инглиз тили, Бошқарув соҳаси учун инглиз тили, Муҳандислик соҳаси учун инглиз тили каби йўналишларда чет тилларини ўқитишнинг замонавий ёндашувлари тобора кенг қўлланилмоқда. Жумладан, АҚШ (Stanford University), Германия (Eberswalde University for Sustainable Development), Канада (York University), Австрия (University of Vienna), Буюк Британия (Norwich Institute for Language Education) ва Британия Кенгаши (British Council) каби бир қатор нуфузли таълим ташкилотларининг илғор тажрибалари ўзининг самарадорлиги билан ажралиб туради.

Диссертациянинг **“Талабаларда хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентликни ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобда мотивацион ўқув базасини шакллантиришга асосланган лингвистик компетенцияни ривожлантириш тизими, чет тилидаги луғат устида ишлаш стратегияси ва техникаси тавсифи келтирилган ҳамда таклиф қилинган стратегияларни амалга оширадиган машқларнинг коммуникатив ва когнитив тизими таклиф этилган, шунингдек экспериментал машғулотлар натижаларига тавсиф берилган.


Лингвистик компетентликни ривожлантириш моделида берилган мақсад компонент нутқда шаклланган лингвистик кўникмаларни мақсадли қўллаш, таълим мазмунини мустаҳкамлаш компоненти, таълим контекстида ички ва ташқи лексиконни мустаҳкамлаш, жараёنли компонент таълим шакллари стратегик ёндашув асосида ривожлантириш ҳамда натижавий компонент ўрганувчиларнинг тил ва нутқ тажрибаларини амалда самарали қўллашга қаратилгандир(2-расм).

Таълим стратегияси-бу маълум ўқув натижаларига эришишга қаратилган ахборотни қайта ишлаш, олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишда талабанинг билиш фаолиятини ташкил этувчи ва йўналтирувчи махсус ҳаракатлар мажмуи хисобланади. Стратегиянинг асосий мақсади эса ўқув жараёнини рационализация қилиш ва самарадорлигини оширишдир (2-расм).

Ўқув базаси талабаларда инглиз тилини ўзлаштиришдаги лингвистик компетентликни ривожлантириш тизимининг муҳим процессуал таркибий қисми бўлиб, таълимнинг стратегияси ва методлари кўзланган натижага эришишга имкон беради.

Талабаларнинг лингвистик компетентлигини ривожлантириш жараёни ўқитишнинг асосий тамойилларига мувофиқ амалга оширилади, улар ўқув мақсадига мувофиқ тўлдирилади ва аниқланади:

1) таълимнинг коммуникатив йўналиши принципи;



2 расм. Лингвистик компетентликни ривожлантириш модели



Бу принцип синфдаги мулоқот интеграллашган ва мураккаб жараёни ташкил қилиб тилдан интерфаол фойдаланишни назарда тутди, шунингдек, машғулотларда ҳамкорликда ишлаш ва ҳамкорликда музокаралар олиб бориш орқали умумий ўрганишнинг таълимда самарадорлини кўрсатади.

2) материални англаш;

Тағдим этилган материалларни талабалар томонидан яхши тушунилиши таълим жараёнида ўзлаштириш кўрсаткичларини оширишга ёрдам беради.

3) материални тақдим этишда концентрация;

Ўқув мақсадини яхшилашда диққатни қаратиш муҳим бўлган томони материални талабаларнинг инглиз тилини билиш даоражalarини инобатга олишдир.

4) нутқ фаолиятининг барча турларини ўзаро боғлашда ўрганиш;

Нутқ малакалари/ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш) таълим мазмунининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

5) лексик birlikларнинг тизимли хусусиятларини ҳисобга олиш таълимда;

Лексик birlikларни кўп қиррали лингвистик birlik сифатида ўрганилиши, иккита хусусият, маъно ва шакл билан тавсифланади.

6) стилистик фарқлаш;

Стилистик фарқлар матн яратилаётганда инобатга олинадиган ҳолат ва чекловларни ўз ичига олади.

7) ижтимоий-маданий билимларга таяниш;

Таълим жараёни ижтимоий ва маданий билимларни ўзаро чамбарчасликда олиб боришни тақозо қилади.

8) асосий дидактик ва методик вазифалар;

Дидактик ва методик усуллардан таълим жараёнидаги вазифаларни амалга оширишда талабаларга изчил-илмий ёндашув орқали ўқитиш усуллари.

9) педагогик касбийлаштириш;

Педагогик касбийлаштириш бу касбларнинг белгиланган мезонларга мос келишидан келиб чиқиб, жамоатчилик томонидан касб сифатида тан олиншидир.

10) сўз бойлигини ижодий ўзлаштириш.

Ижодкорона ўзлаштиришни яхшилашда оғзаки тил кўникмаларини ривожлантириш ва мустақил равишда кўпроқ ўқиш орқали сўз бойлигини оширишдир.

Стратегиядан фойдаланишнинг мақбуллиги лингвистик компетентликни босқичма-босқич шакллантириш ва лексик материаллар устида ишлаш билан боғлиқ (1-жадвал).

Қуйдаги стратегиялар махсус когнитив-коммуникатив машқлар тизими ёрдамида амалга оширилади.

Лингвистик компетентликни шакллантиришнинг асосий мақсадларига мувофиқ: 1) когнитив, яъни талабаларнинг интеллектуал ривожланиши; 2) лингвистик, яъни лексик билим ва кўникмаларни ўзлаштириш; 3) коммуникатив, яъни мавжуд лексика асосида алоқа жараёнида зарур вазифаларни ҳал қилишга тайёрлик ва қобилият (кўриб чиқилаётган тизимда

машқларнинг учта кичик тизими аниқланади: а) когнитив-ассоциатив; б) лингвистик тизимли; в) коммуникатив-когнитив.

Когнитив тизимнинг мақсади талабаларнинг бошланғич билим ва ҳаётий тажрибасини, уларнинг қизиқишлари ва қобилиятларининг йиғиндисидир. Талабаларда мавзу бўйича лексик бирликларни хотирадан эсга тушириш ва ассоциатив боғланишларни уйғотиш; мавзунинг асосий лексик бирликларини аниқлашга қаратилган бўлиб, ассоциатив машқлар лексикани янгилашни ўз ичига олади.

## 1-жадвал

### Луғат устида ишлаш стратегиясини қўллаш босқичлари

| Лингвистик кўникмаларни шакллантириш босқичлари ва лексик материал билан ишлаш  | Фойдаланиладиган стратегиялар  |
|---|--|
| Янги лексик материални тақдим этиш.   | Мотивлаштириш ҳамда график органайзерлар билан ишлаш стратегияси                       |
| Янги лексик ўқув материални машқ қилиш  | Мотивлаштириш, график органайзерлар билан ишлаш ҳамда лингвистик стратегияси           |
| Янги лексик ўқув материални ўзлаштириш  | Мотивлаштириш, график органайзерлар билан ишлаш ҳамда эҳтимолий прогнозлаш стратегияси |
| Янги лексик ўқув материални такрорлаш ва умумлаштириш   | Мотивлаштириш, график органайзерлар билан ишлаш ҳамда эҳтимолий прогнозлаш стратегияси |
| Назорат (алоҳида босқич сифатида қаралади - шаклланган лексик маҳорат ва лексик билим даражасини назорат қилиш ва олдинги барча босқичларнинг ажралмас қисми сифатида). | Мотивлаштириш, график органайзерлар билан ишлаш ҳамда рефлексив стратегиялар.          |

Биз талабаларда инглиз тили бўйича лингвистик компетентликни ривожлантиришда қуйидаги стратегиялардан фойдаландик:

1) мотивлаштириш, 2) график органайзерлардан фойдаланиш стратегияси, 3) лингвотизимлаштириш, 4) эҳтимолли ташхислаш стратегияси, 5) рефлексив стратегияси.

Лингвистик тизим талабалар эътиборини берилган маълумотларни конкретлаштириш, уни аниқлаштириш, қайта ишлаш, хабардорлик ва тузилишга қаратишни таъминлайди. Лингвистик тизим машқлари лексик ахборотдан фойдаланиш йўларини ўзлаштиришга қаратилган ва улар шаклларни таҳлил қилишга имкон берибгина қолмай, хорижий тилларнинг бошқа лексик бирликлари билан таққослаганда унинг маъносини, услубий хусусиятларни аниқлашда ҳам ёрдам беради.

Коммуникатив тизимнинг машқлари нутқ фаолиятидаги муаммоли вазифаларни ҳал қилишга қаратилган, лексик кўникмаларни

такомиллаштиришга ҳисса қўшади ва шу билан бирга коммуникатив ва когнитив мотивацияни сақлашга имкон беради. Ушбу кичик тизимда ижодий машқлари коммуникатив вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, унинг фаолиятнинг у ёки бу жиҳатига йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Диссертация ишининг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба синовни ташкил этиш, ўтказиш, ва унинг тахлилий натижалари ҳамда лингвистиканинг тузилиши ва фаолиятининг когнитив тамойиллари ҳамда ахборот-методик таъминот бўйича тажриба-синов ишлари ёритилган.

